

**Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан 2021 йилнинг 6 ойи мобайнида
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш
ва юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган
таклифлар тўғрисида таҳлилий
АХБОРОТ**

Муҳтарам Президентимиз томонларидан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун мурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар мурожаати” веб-сайти ва call-center орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилди.

Мунтазам равишда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида жойларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигига 2021 йил 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **4 851 та** ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2020 йилнинг ўтган даврида** бу кўрсаткич **1 988 тани** ташкил этгани ҳолда **2 863 тага** кўпайган. Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳри 6408 та (40.2 %)**, **Чуст тумани 5 005 та (32.4 %)** ва **Уйчи тумани 4 753 та (26.6%)** ҳиссасига тўғри келади.

2021 йил 6 ойи давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **2360 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган. **2020 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **717 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1643 тага ёки 69,4 % га** кўпайган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар уй-жой **760 та (29.5%)**, иш, иш ҳақи ва имтиёз масалаларида **325 та (10.2%)**, дин масалалари **166 та (7.5%)** моддий ёрдам **162 (6.9 %)** та ва соғлиқни сақлаш **114 та (6.5 %)** масалаларни ташкил этади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича

2021 йилнинг 2-чораги давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** келиб тушган мурожаатларнинг жамланмасини таҳлил қилинганда жисмоний ва юридик шахслардан жами **36 849 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар** келиб тушган бўлиб, **2020 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **17 248 тани** ташкил этган ҳолда **19 601 тага** ёхуд **53.2 фоизга кўпайган**. Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳри 6 408 та (40.2 %)**, **Чуст тумани 5 005 та (32.4 %)** ва **Уйчи тумани 4 753 та (26.6%)** ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилнинг 2-чораги давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларида** раҳбарлар томонидан **12 730 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган. **2020 йил 2-чорагида** бу кўрсаткич **3 965 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **8 765 тага ёки 69,8 % га кўпайган**. Мамлакатимизда карантин чоралари босқичма-босқич юмшатилиб, карантин қоидаларига риоя этган ҳолда қабулларни ўтказишга кенг шароитлар яратилгани муносабати билан шахсий ва сайёр қабулларнинг сонини кескин ортган.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар уй-жой ва ер майдонлари олиш масалаларида **5 213 (46.1%)** та, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларида **2 316 та (12.8%)**, моддий ёрдам **1 625 (9.5%)** та ва банк-кредит **1 218 та (7.2%)** масалаларини ташкил этади.

Президент виртуал қабулхонаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан 2021 йил 6 ойи давомида вилоят ҳокимлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами 12553 та мурожаатлар келиб тушиб, мурожаатлар сони 2020 йил 6 ойи (6228 та)га нисбатан 6325 тага ёки 51,4 % га ошган.

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси кўрсаткичлари **паст бўлган** ҳокимликлар - Мингбулоқ **56,4 %** ва Чортоқ **36,2 %** туманларини ташкил этади.

Мурожаатларнинг ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, **энг кўп мурожаат йўлланаётган** ҳокимликлар - **Наманган шаҳар (3 116 та)**, **Чуст (1 498 та)**, **Поп (1 297 та)** ва **Уйчи (982 та)** туманлари ҳиссасига тўғри келади.

ТАКЛИФЛАР:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмаслиги белгиланган. Бироқ, Президент виртуал қабулхонасидан келаётган айрим мурожаатларда мурожаат этувчилар томонидан қонунсиз талаблар қўйиш (“кир ювиш машинаси олиб бериш”, “чет элда таҳсил олаётган фарзандим учун йирик миқдордаги контракт пулини тўлаб беринг ёки ҳомий ташкилот бириктириб беринг”, “бошланғич тўловсиз намунали уй-жой олиб беринг” ва ҳ.к) юқоридаги қонун талабларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли, Президент виртуал қабулхонаси ишчи гуруҳи томонидан ушбу турдаги мурожаатлар келиб тушган

вақтда қабул қилинмаслиги, шу жараённинг ўзидаёқ юқоридаги қонун талаби кўрсатилиб, қабул қилмаслик ва ижрога йўналтирмаслик таклифи билдирилади.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан топшириқда кўрсатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш тадбирлари амалга ошириб борилиши таъминланади.

Наманган вилояти ҳокимлиги